




(Давоми. Боши 1-бетда).

Нихоят, республика Олий Кенгашининг XIII сессиясида (1993 йил, сентябрь) Президент «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» ҳақида ( маъруза ҳам шундай номланади) батафсил тўхталиб, нефть ва дон билан ўз-ўзини таъминлашнинг пухта асосланган имкониятларини ва бу вазифанинг удаланиши иқтисодий таъминда, умуман, турмушимизга қандай таъсир этишини аниқ-тиниқ кўрсатиб берди. «Насиб қилса, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари чегарасидаги Қоровулбозор нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи ни куриб олсак, — деган эди йўлбошимиз ўшанда, — биз ўзимизни-ўзимиз таъминлашдан ташқари нефть маҳсулотларини Афғонистон орқали Покистон ва бошқа давлатларга ҳам сотишимиз мумкин... Шу кунларга етганимизда далил айтмай: «Биз энг оғир қийинчиликларни енгиб ўтдик, биз чинакам мустақил бўлдик».

Бундан беш йил олдин айтилган бу гаплар ҳозирча эзгу ният эди. Ушанда ҳам ҳамон ўтмишни кўрсатган «буоқ давлат» тарафдорларининг дийдиси авжда эканини ёдда тутиш лозим. Ёш мамлакатимиз ўз миллий валютасига ҳам эга бўлмаганди. Ана шундай осон бўлмаган шартларда катта мақсад сари далил ҳаракат бошланди. Шуқри, оқилона раҳбарлик туфайли ҳамма режалар тўла амалга ошди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг маҳсулотлари бугун иқтисодий таъминда мадад бўлмоқда, қўшни мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Нефть ва газ конденсатини қазиб чиқариш (фондлар).



Бу борада республикада кўлга киритилган муваффақиятни тасаввур қилиш учун МДХ даги баъзи мамлакатларда айнан шундай натижаларни кўздан кечириш қўйфой. Умумий аҳвол нефть ва газ конденсати қазиб чиқариш ҳажмлари биздагидан фарқи ўлароқ, муттасил камайиб боради ва фақат сўнгги йиллардагина инқирозни тўхтатишга муваффақ бўлинганини кўрсатиб турибди. Холбуки, мазкур давлатлар халқ ҳўжалиги учун ҳам ёниги-энергетика манбаларини ишлаб чиқаришда етакчи омил ҳисобланади.


Table with 6 columns: Year (1991-1997) and values for Russia, Ukraine, Kazakhstan, Turkmenistan.

1995 йилда эълон қилинган Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида шундай сатрларни ўқиймиз: «Аваллари биз четдан тўрт миллион тонна нефть сотиб олардик. Эндиликда уни ўзимизда қазиб олиш ҳисобига четдан харид қилиш ҳажми йилдан-йилга камайиб бормоқда. 1995 йилда 750 минг тоннани ташкил этади. Биз келгуси икки-уч йил ичида ғалла мустақиллигига ҳам шу тариқа эришимиз лозим. Бу фақат иқтисодий вазифагина эмас, балки катта сиёсий вазифа ҳамдир».

ИЗОХ: «Ўзбекнефтьга» миллий корпорациясида берилган маълумотга қараганда,

мамлакатимизга 1994 йилдан бошлаб четдан нефть маҳсулотлари, 1995 йилдан эса нефть келтириш деярли тўхтатилган. Аксинча, 1997 йилда нефть маҳсулотлари экспорт қилинган.

Четдан келтирилган нефть (млн. тонна)




Йўлбошимиз томонидан қўйилган вазифанинг иккинчи қисми—дон мустақиллигини таъминлаш бўйича ҳам ишлар жадал бор-йўлида амалга оширилди.


ҚУШҚАНОТ

моқда. Ўтган вақт мобайнида четдан ғалла маҳсулотлари олиб келиш қарийб 7 баравар камайди. Ғалла мустақиллигига эришишнинг асослари яратилди.

Дон тайёрлаш (минг тонна).



Четдан истеъмол учун ғалла келтиришнинг камайиб бориши (тонна).



Албатта, нефть ва газ маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлашга эришиш мамлакат иқтисодий таъминига нима бериши ҳар қандай эсли-хушли одамга маълум. Кечанига эҳтиж-и учун зарур бўлган бундай қимматбаҳо маҳсулотларни четдан олиб келатган юрт билан бугун уларни экспорт қилишга эришган давлат салоҳияти ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу — масаланинг ташқи томони. Моҳиятда эса бундай ютуқлар замирида, аввало, мустақиллик қўрғонининг тамал тошлари нақадар мустаҳкам экани, Ўзбекистон дунёда тенглар ичра тенг бўлиб, ўз ўрнига, овозига эга бўлгани, шунингдек, эртанги порлоқ истиқболнинг асоси яратилганини мужассам. Нафисларини айтганда, жаҳонда мазкур даражага эришган мамлакатлар бармоқ билан санарли.

Нефтни қайта ишлаш саноатининг кенгайиши ва тараққий этиши, дон маҳсулотла-


ри билан таъминлашнинг ички имкониятлар асосида амалга оширилиши, аввало, янгидан қўлаб саноат ва қайта ишлаш корхоналарининг юзага келишига олиб келди. Эндиликда Бухоро ва Кўкдумалоқдаги заводлар республикамиз харитасини беэза турдири. Улар ҳақиқи равишда XXI аср иншоотлари, деб баҳоланмоқда.

Ёки шаҳар ва қишлоқларда қад ростилаётган новвойхоналар, мақорон цехлари ва бошқа нон маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналар умумий манзарага кўрк бағишладан ташқари улардан уфуриб турган янги ёпилган нон ҳиди ёки қўт-барока юртимиздаги оёсиништалик ва тўқинчиликни таъкидлаб турганга ўхшайди.

Ўз-ўзида маълумки, янги корхоналарнинг ушта туширилиши янги иш ўринлари,

янги ихтисосликлар, деган гап. Эндиликда Ўзбекистон индустриясининг фаҳрига айланган Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи ишга туширилиши муносабати билан юзга яқин янги касблар ўзлаштирилди. Тармоқда эса янги иш жойлари очилди 4 баробардан зиёд қўлайди.

«Ўзбекнефтьга» миллий корпорациясида янги иш жойларининг ўсаб бориши:



Шунингдек, тармоқнинг кенгайиши, замонавий талаблар даражасида қайта ташкил этилиши ижтимоий инфратузилмага ҳам ижобий таъсир этди. Янги турар жойлар, мактаб ва боғчалар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари юзага келди. Фикримизни исботлаш учун «Ўздонмаҳсулот» ёки «Ўзбекнефтьга» ташкилотлари ҳаётдан қўлаб рақамларни келтиришимиз мумкин. Жумладан, истиқлол йилларида 157 та кичик новвойхоналар ишга туширилган, уларнинг асосий қисми Германия, Югославия, Туркияда ишланган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Нефть ва газ саноати ходимлари учун янгидан 700 минг кв.м.дан ортиқ уй-жойлар, 46 болалар муассасалари, 300 га яқин савдо нуқталари, ёрдамчи ҳўжалиқлар, оромгоҳлар қуриб берилди.

Шак-шубҳасиз, қисқа даврда эришилган бундай муваффақиятлардан қувонмай бўлмайди. Ютуқларнинг замирида тўғри, оқилона стратегик мўлжал, ишбилармонлик ва фидойилик мужассамлашган. Юртимизнинг келажаги учун муносиб хизмат қилиши эзгу истак сифатида оруз қилиб яратил-

ган имкониятларнинг истиқболи аллақачон дунё ҳамжамиятининг муносиб эътирофига сазовор бўлмоқда. Қолаверса, улкан саноат гигантларини ҳамкорликда қуриш жараёнида жаҳоннинг машҳур фирма ва компаниялари юртимиз имкониятларига тан беришди. Кўкдумалоқ компрессор станцияси қурилишида қатнашган «Келлогг» (АҚШ) ва «Нишо Иваи» (Япония) компаниялари, Бухоро заводида ҳамкорлик қилган «Текнип» (Франция) фирмаси вакиллари билан бақамти ишлаш мамлакатимиз саноатчилари ва қурувчиларининг халқаро алоқалари жабҳасида янги саҳифа бўлди. Бу билан овоз Ватанимизда чет элнинг ҳар қандай йирик компанияси билан тенг шериклик қилиш салоҳияти мавжудлиги исботланди. Ҳар томонлама ҳамкорлик эса давом этмоқда. Ўтган йилда «Мишу» (Япония) фирмаси иштирокида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қайта таъмирлаш, «Би-Эс-Ай-Индустри» (АҚШ) компанияси билан Ҳўжабод ер ости газ омбори қурилиши, «АББ Лумбус Глобал» (Германия), «Мишу», «Нишо Иваи», «Тойо Инжиниринг» (Япония) ва «АББ Соими» (Италия) компаниялари орасида тузилган консорциум ҳамкорлигида Шўртан газ-кимё мажмуасини бунёд этиш бўйича лойиҳаларда иш бошланди.

Албатта, эндиликда масалалар тўла ҳал бўлди, тармоқларда фаровонлик ва тўқинчилик ҳукм сурмоқда, қабилида таассурот уйғотмаслиги лозим.

Деҳқончиликнинг иқлим ва ер шартлари-га мос тушадиган, сермаҳсул, ҳар жиҳатдан самарали ғалла уруғлиги масаласи тўла ҳал қилинган, деб бўлмайди. Ўзбекистон шартларида уруғни тўғри танлаш ҳисобидан ҳосилдорликни 20-40 фоиз ошириш мумкин. Селекция ишларидаги нуқсонлар қўп марта тилга олинган.

Нефть маҳсулотлари етарли қадланмайти. Ҳозир 1 литр бензин 25 сўм, 1 литр маъдани сув эса 50-60 сўм. Ана шундай шартларда ёниги маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланиш виждоний бурчдир. Ахир ҳар қандай табиий бойликнинг захираси ҳисобли бўлганидек, нефть ҳам туганмас уммон эмас.

Ўлкамизда нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпайган шартларда бензиннинг чайқовга ўтиб кетаётгани ноҳуш таассурот уйғотаяпти. Ўтган йили фақатгина Тошкент шаҳрининг ўзида нефть маҳсулотлари савдоси билан байриқоний шугулланган 372 нафар фуқарога нисбатан айбнома ҳужжатлари расмийлаштирилиб, 27 тоннага яқин бензин мусодара этилганини қандай баҳолаш мумкин? Шунга қарамай, ҳозирги кунда ҳам бундай савдо камайгани йўқ. Ҳовиллардан, қўчалардан турли идишларда сотиладиган ёнигининг манбасини аниқлаш, зарур чоралар кўриш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир.

Халқимизнинг азалий байрами — Наврўз кезиб юрган айна дамларда миноралари осмонга бўй қўзган заводларда, элнинг ризқи-рўзи тобига келатган новвойхона-ю турли корхоналарда одатдагидек меҳнат жаҳдаси давом этмоқда. Кенг уфқ бўйлаб қўлоқ отган хонажон ўлкамизнинг бу тўшаларида эртанинг умиди уйғонаётган, юз, минг йиллар довоини қўзлаган азамат юрт парвозга шайланаётган. Юксак чўққиларни қўзлаган эзгу тилакларнинг қанотлари асло қайрилмасин.

ҲАКИМ САТТОРИЙ.

ҚУРБОН ҲАЙТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



ШАФОАТ КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллияти, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақоидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар» деган жумла бор. Бош қомусимиздаги бу эътироф Олий Мажлис қабул қилган қатор Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ривожлантирилди, фуқароларимизнинг имтиёзлари қонун билан белгилаб қўйилди, уларнинг ҳар қандай ҳақи-ҳаракати ижтимоий адолат принципларига мос келиши кафолатланди.

Зеро, бизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимиз дахлсизлиги ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда янада сезилмоқда. Бу, айниқса, дин ва эътиқод масаласида тағинда ойдинроқ кўзга ташланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданқо ҳаробага айлиб етган масхидлар қайта тикланди, янгилари қурилиб, уларнинг сони кескин ортди. Узоқ йиллик таъқиқ таъқиблардан кейин мамлакатимиз фуқаролари катта имтиёзга эвазига ҳаж сафарига отланадиган бўлишди. Юртовшимизнинг Фармони олийлари билан Йиди Фитр ва Йиди Қурбон байрамлари давоми ошли кунлари деб эълон қилинди.

Эрта-индин бўладиган Қурбон ҳайити ҳам мамлакатимизда кенг нишонланиши, табиий. Зеро, мозийнинг муқаддас китобларида таъкидланганидек, бу кун-шафоат кунидир, бу кун-саҳиҳ амаллар, марғуб ва матлуб кундир. Инсондаги энг гўзал сифатлар ушбу байрамда намойиш этилиши, ширинсуханлик, хушсўхбатлик, хийш дўст таллаш каби фазилатлар ушбу кунимизнинг зийнати бўлиши лозим. Хуллас, саломлашишдан тортиб, барча саъй-ҳаракатларимиз хайру барақа, эътиمودу эҳсон тазорикларига уйғунлашиб кетсин. Қўни-қўшни, ёру биродарлар билан дийдорлашиб, кекса-ю, ёмюрларни зийрат қилиш, кўнгил сўраш, ёшларга совға-саломлар, ширинликлар улашиш, турмушларининг ширин бўлишини тилаш бу байрам мезонини белгилайдиган ва унинг қадрини оширадиган сифатлардир.

Биз ушбу кунларда мамлакатимиздан ҳаж сафарига отланганлар ва бугунги кунда Маккадаги улуғ байрамда ибодат билан машғул бўлаётган юртдошларимизга ҳам йимонун эътиқод тилаб, яратадиган уларнинг ибодатларини қабул қилишларини, ўз юртларига-фарзандлари ҳузурига эҳсон-омон қайтиб келишларини истаиймиз.

Муқаддас китобларнинг шаҳодат беришича, исломда инсоннинг ранги, тили, насли, ватанига эътибор қилинмайди. Муҳими, унинг дилидаги муруват ва чекалари сўлмасин. Бу муруватлилик ирқ ажратишга, мазаҳб талашига, диний мутаассибликка йўл қўймайди, элнинг ободлигига, юртининг фаровонлигига хизмат қилади.

Биз ҳам кўтлуг Қурбон ҳайити арафасида барча муштарийларимизга муруватлилик дилингизни тарқ этмасин, у йўлингизни ҳамийша нурафшон этсин, дейимиз.

ЖҲШҚИН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Table with exchange rates for various currencies: Australia, Austria, Canada, etc.



Мамлакатимиз пойтахтининг турли-туман таъриф-таърифлари орасида «Тошкент — нон шаҳри» деган бир ибора ҳам учрайди. Бу иборанинг ҳар хил тарихий ва бошқа маъноларидан ташқари яна битта хислати бор: «Нон шаҳри» деган ибора Тошкентта нисбатан қўлланилганда эшитган қўлоққа асло эриш туғмайди. Бу, эҳтимол, Тошкентнинг чиндан ҳам ҳеч бир даврда ўз барақа-хайрини йўқотмагани, бу шаҳарнинг туз-насибаси ҳамийша бугун бўлиб келганлигини юқориди ибора ўзида табиий ифодалаганидирмикин? Лекин масаланинг яна бир жиҳати бор. Хайр-барақа осмондан тушмайди. Уни доимо ерда, одамлар яратди. Жумладан, Тошкент — нон шаҳри экан, демак бу шаҳарнинг ўз онини мул-қўн қилиб келатган шинаванда нон-пазларга, новвойларга ҳам бойликландир. Ҳозирги кунда эса улар Тошкентда улкан бир меҳнат бирлигини ташкил этади. «Тошкент-нон» нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси — бу меҳнат тизимининг бош қароғоҳидир. Бош шаҳримизнинг деярли 2,5 миллионлик аҳолиси ва меҳмонлари ўз дастурхонларида ҳар кун нон ушатар экан, мана шу тизим жамоасининг савийли меҳнатини миннатдорлик билан ҳаёдан утказадилар.

Муштақиллик йилларида бу тизим ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар эди берди. Бир вақтлар Тошкент аҳолисини бир неча йирик нон заводи озуқа маҳсулотлари билан таъминлар эди. Аммо бу заводлар ниҳоятда йирик, бесўнақай бўлганлиги учун ишининг сифати ҳам кўнгилдагидай эмас эди. Масалан, пиширилган улаб тоналалар нонларнинг замири бира-туласига тайёрланар,

рик нон заводлари кундалик ҳаёт талабларига ҳозиржавоблик кўрсата олмаган бўлса, ҳозирги кичик нон корхоналари халқимизнинг кундалик эҳтиёжини ўз вақтида пайқаб, ўз ишлаб чиқаришларини шунга мослаб ташкил этаётганлар. Масалан, бугун буханка ва батон нонларини қилишда, ҳатто хаамирини сунда қорб ва ичига майиз қўшиб тайёрланган хиллари ҳам дўкнонларга юборилляпти. Яна патири нонлар ҳам чиқариляпти. Бунинг устига, ачирқисиз нон, зогора нон, жўхори нон, «Президент», «Выборгский» ва ҳокзо номлар билан аталган тиббий-шифобахш нон маҳсу-

ДАСТУРХОНГА ФАЙЗ КИРИТАЁТГАНЛАР

ЁКИ ПОЙТАХТИМИЗДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КИЧИК НОН КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА

лотлари ҳам тайёрланаётган. Тошкентнинг кичик корхоналарида 30-40 хил бундай нонлар чиқариляпти. Улар тўйимли, хушхўрлиқдан ташқари ошқозон, ичак, жигар, буйрак, бўёқ, бўзма каби хасталиқларда парҳез таомлар ҳисобланади. Бундай нон маҳсулотларига дўкнонлардан ҳам, «Меҳри савадо» тизимига қарашли муассасалар — шифохоналар, болалар боғчалари, қарбый қисмлар ва бошқа нуқталардан ҳам қўлаб буюртмалар берилмоқда.

Хуллас, бозор иқтисоди шартларида кичик корхоналарнинг истиқболли ишончли ва фаолияти тобора самарали бўлиб бораверади.

«СОҒБОН-НОН»

Бу кичик корхона 1996 йилнинг октябрий ойида Собир Раҳимов тумани ҳудудида ташкил топди. «Тошкент-нон» уюшмаси ҳомийлигида «Соғбон-нон» корхонаси бир кунда қанда 11 тонна нон тайёрлаш имко-

ниятини берадиган битта «ФТЛ-2» қурилмаси ҳамда Германиядан келтирилган ўзига хос митти корхона — «Винклер» қурилмасидан 2 таси ўрнатилди. Ҳозирги пайтда бу даргоҳдаги қўлтузи новвойлар шаҳарчилар дастурхонига ҳар кун 16 тоннадан хуштам нон маҳсулотларини ҳаля этмоқда. Бу корхонада ало навли, биринчи ва иккинчи нав улардан ҳар хил буханка нонлар, патири нонлар, бурсилдоқ, мазали чурек, роғалик нонлар, батонлар тайёрланади. Бундан ташқари, «Винклер» қурилмасида 35 турдаги нон маҳсулотлари ҳам чиқариламоқда. Уларнинг орасида тиб-

ва тирикчиликларидан мамнун. Энг муҳими, корхона ишчилари деҳнатга ва мулкага янгича муносабат қарор топди. Корхона бисотиини улар ўз мулкларидай асраб-авайлашади, меҳнатларининг миқдори ва сифати эса шахсий манфаатдорликнинг бош мезонлари эканлигини яхши билишади.

1998 йилда «Соғбон-нон» давлат тасарруфидан чиқиб, очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айланди. Корхонанинг 30 миллион 110 минг сўмлик Низом жамғармаси миқдорига, ҳар бирининг қиймати 1000 сўмлик акциялар чиқарилди. Уларнинг 26 фоизи корхона-

нинг ўз ишчилари ўртасида тарқатилмоқда. Қисқа мудат ичида бу акцияларнинг 60 фоиздан кўпроғи сотиб олинди. Янги аризалар ҳам қўлайиб қолди. Корхона акцияларининг қолган қисмлари биржа фонди орқали эркин савдога ва хорижий сармоядорларга сотиш учун чиқарилди. Бир қисми давлат улушига ажратилди.

«Соғбон-нон» акциялари, бизнинг ишончимиз комилки, борган сари кўпроқ дивиденд келтирадиган, тобора қар-қиммати ошиб борадиган акциялар бўлади. Чунки бу корхонанинг имкониятлари билан боғлиқ, «Соғбон-нон» имкониятлари эса узлуқсиз кенгайиб борапти. Бу ерда ишлаб чиқариш қувватлари оширилмоқда, маҳсулотлар ҳажми қўлаймоқда, уларнинг сифати ва ассортименти янада ранг-баранглаштириш устида фидойиларча ишлашмоқда. Винобарин, корхона барқарор ўсиб боруви даромад манбаига айлана бораётган.

«Соғбон-нон» маҳсулотлари га илҳосланиб дўкнонлар сони ва буюртмаларнинг миқдори ҳам қўлаймоқда. Бу эса корхона-

нинг эртаси порлоқ эканлигини кўрсатади.

«ТУТЗОР-НОН»

1995 йилнинг сентябрь ойида Шайхонтоҳур туманининг Ипакчилик илмий-текшириш институти жойлашган ҳудудида «Тутзор-нон» деб аталган яна бир кичик нон заводи иш бошлады.

Корхонада дастлаб битта «ФТЛ-2» нон печи ва битта «Винклер» қурилмаси ишга туширилди. Бу даргоҳда 100 дан зиёдроқ ишчи бор, иш уч сменада ташкил этилган, у кеча-ю кунду маҳсулот беради.

Корхона ташкил топган пайтда бир кеча-кундузда 7 тонна нон ва 5 тонна ҳар хил нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Кейинги бир йил ил мобайнида «Тутзор-нон» яна битта «ФТЛ-2» нон печи ўрнатилди. Ҳозир унинг ишлаб чиқариш қуввати 2 баробар ошди, бир кунда тайёрланадиган маҳсулот миқдори 24 тоннага етди. Буларнинг ҳаммаси корхонанинг ўз даромади эвазига бўляпти.


Ўтган йили корхонанинг умумий даромади 18 миллион сўмга етди. Шундан 6 миллион, юқорида айтилгандай, унинг қувватини оширишга сарфланди. Бу ерда қўшимча хизмат турларини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Кейинги бир йил мобайнида корхона қонда фирмали нон дўкони, сартароҳхона, дорихона ҳам очилди. Улар «Тутзор-нон» корхонаси жойлашган «Ипакчилик» маҳалласига ҳам хизмат қилмоқда.

Ўтган 1997 йилдаги иш якунларига кўра, корхона 12 миллион сўм сўф даромадга эришганлиги маълум бўлди.

«Тутзор-нон»да яқинда нон печлари устига 6 та ун сақла-

М. САҒАРОВ.

**Nufuzli kompaniya – nufuzli mijozlar uchun**



*Ўзбекистонда уяли алоқа тизимини ривожлантириши борасида самарали иш олиб бораётган*

**coscom**

*Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси жамоаси муборак айём*

**Шайх-Абдо**

**(Курбон хайити)**

*муносабати билан барчага энг эзгу тилаклар изҳор этади. Яратганнинг Ўзи Ўзбекистон*


*тараққиёти ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини зиёда қилсин!*

Телефонларимиз Тошкентда: 52-66-88, 56-23-38.  
Самарқандда: 35-61-38, 31-21-26.  
Фарғонада: 24-62-17, 24-76-52.

**VATAN, OILA VA IYMON – MUQADDAS TUYG'U**



400 дан зиёд шаҳар ва аҳоли пунктлари



- Тошкент
- Самарқанд
- Бухоро
- Анджон
- Фарғона
- Наманган
- Урганч
- Хива
- Навоий
- Қарши
- Гулистон
- Қўқон
- Термиз
- Янгийўл
- Чирчиқ
- Жиззах

*“Ўздунробита” қўшма корхонаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси халқини муборак байрам*

**Шайх-Абдо – СУЗУРБОЛ ВА ЎЙНА**

билан **ТАБРИКЛАЙДИ,**

*ҳаммангизга сўхат-саломатлик, турмушингизда бахт ва қувонч, оилангизда меҳр-муҳаббат, ҳамжихатлик ва фаровонлик барқарор бўлишини, мамлакатингиз ва халқингизнинг гуллаб-яшнаши ҳақида фаровонлиги йўлидаги тинч, осуда яратувчилик меҳнатингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.*



16 000 Дан зиёд абонентлар  
Ўзбекистон Республикаси аҳолиси жойлашган майдоннинг 90 фоизга яқини уяли алоқа воситамиз билан қопланган.

Ўзбекистон ҳудудинда  
автоматлашган  
РОМИНГ

Кеча-кундуз ахборот маълумот хизмати: 30 09 09, 31 09 09  
ва 611 (“Ўздунробита” ҚҚси уяли телефони орқали).

Сервис-Марказ: Савдо бўлими, абонентларга сервис хизмат. Манзил: У. Юсупов кўчаси, 1А.

